

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ГЕРЦ ЖАСМИНА ВИКТОРОВНА**

**ГАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ  
ХАТЛОВ УСЛУБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**11.00.05 – Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва  
табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш  
06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дехқончилик**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФАРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УДК: 633.51:63D\*2:5D:004(575.111)(043.3)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
техническим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical  
sciences**

**Герц Жасмина Викторовна**

ГАТ технологиялари орқали табиий ресурсларнинг хатлов услубларини  
такомиллаштириш.....5

**Герц Жасмина Викторовна**

Совершенствование методов инвентаризации природных ресурсов  
посредством ГИС технологий..... 21

**Gerts Jasmina Victorovna**

Improvement of natural resources inventory methods through GIS technologies..39

**Эълон килинган ишлар рўйихати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....43

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 03/30.12.2019.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ  
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**ГЕРЦ ЖАСМИНА ВИКТОРОВНА**

**ГАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРНИНГ  
ХАТЛОВ УСЛУБЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва  
табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш  
06.01.02 – Мелиорация ва суғорма дехқончилик**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФАРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Техника фанлари фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Т554 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Пулатов Алим Салимович**  
техника фанлари номзоди, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мягков Сергей Владимирович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Радкевич Мария Викторовна**  
техника фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот**

**Мирзо Улўғбек номидаги**  
**Ўзбекистон Миллий Университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 рақамли илмий кенгашнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021-йил соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори – Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел/Факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)).

Докторлик диссертацияси (PhD) билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Қори–Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел/Факс: (+99871) 237-19-34, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz).

Диссертация автореферати 2021-йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021-йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Т.З. Султонов**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**А.А. Янгиев**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

**М. Х. Хамидов**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
илмий кенгаш ҳузуридаги бир марталик  
илмий семинар раиси, қ.х.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳонда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан барқарор ривожланиш дастурининг 17та истикболли мақсади маъқулланган ва улардан бири сифатида курукликдаги экотизимларни муҳофаза қилиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан, курукликдаги экотизимни тиклаш ва улардан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш, ўрмонларни барқарор бошқариш, чўлланишга қарши кураш, ерларнинг деградацияга учраши жараёнини тўхтатиш ва биологик хилма-хилликни қайтариш ҳамда йўқолиб кетиш жараёнини тўхтатишни талаб қилади. Бу борада, кўпгина хорижий давлатларда, жумладан Нидерландия, Германия, Канада, АҚШ давлатларида табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва уларни хатлашга, ўрмонларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва мониторинг қилиш усулларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ер ресурслари чегараларининг ва уларни хатлашнинг ҳақиқий кийматларини самарали баҳолашга йўналтирилган мақсадли илмий изланишлар алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада, ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашиши вегетация даврида ўсимликларнинг ривожланишига таъсир ўтказиб, ҳосил ва тупроқ бонитетининг пасайишига олиб келади. Экин майдонларининг деградациясини баҳолаш учун далалар контурини ва турли хил экинларнинг ривожланиш ҳолатини (ҳосилдорлигини) аниқлаш услубларини ишлаб чиқиш зарур. Шу билан бирга, табиий ресурсларни баҳолашда геоахборот тизимлари (ГАТ) технологияларидан фойдаланиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамизда атроф-муҳит ҳолатига зарар етказадиган экологик муаммоларнинг олдини олиш, ўрмонларни барқарор бошқариш ва қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва интенсив ривожлантириш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация иншоотлари тармоғини ривожлантириш»<sup>1</sup> вазифалари белгилаб берилган. Шу жиҳатдан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришда интенсив усулларни, биринчи навбатда, замонавий ГАТ технологияларни кенг жорий этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ва 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» ги Фармонларида, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 23 августдаги 273-сон «2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф табиий муҳит

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли фармони

мониторинги дастурини тасдиқлаш тўғрисида» ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада ГАТ орқали табиий ресурсларни хатлаш бўйича илмий тадқиқот ишлари К. Конрад, Г.Хасанханова, О. Дубовик, А.Хамзина, А. Платонов, П.Пропастин, М.Каппас ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган ва кўзланган натижаларга эришган.

Таснифлаш услубини танлаш Ян Клеверс (Jan Clevers), О.Омолеомо (O. Omoleomo), А.Хуккани (A. Huqqani), С. Ли (C. Li), К.Венг (Q. Weng), Ч.Моули (Ch. Mouli), К.Каника (K. Kanika), Г.Ли (G.Li), Ф.Ахмади (F. S. Al-Ahmadi), А.Аукут (A. Aukut), П. Коппин (P.Coppin), Л.Ян (L. Yan), Ф.Фан (F.Fan), П. Трейтц (T.Treitz), Д.Хукман (Dirk Hoekman) ва шу каби бошқа халқаро олимлар томонидан масофадан зондлашнинг йўналиши бўлган вегетация индексларида фойдаланган ҳолда ердан фойдаланишни хатлашнинг усулларини, турли хил фазовий ўлчамларга эга тасвирларни бирлаштириш, ҳамда назорат қилинган ва қилинмаган таснифлаш усулларини кенг ўрганишган.

Шу билан бирга, тадқиқотчилар таъкидлаганидек, фазовий моделлаштириш усулларининг таклиф қилинадиган муҳим камчиликлари сифатида моделлаштирилган объектларнинг чегараларини чизишдаги субъективлик ва олинган аниқликнинг етарли эмаслиги келтириб ўтилган. Маълумотларни таснифлаш бўйича турли хил таклиф қилинган алгоритмларнинг натижалари ўртача 75 дан 81% гача аниқликни беради. Буларнинг барчаси бир хил дастлабки маълумотлардан фойдаланганда таснифнинг ишончилиги даражасини оширишга имкон берадиган субъектлараро услубини ишлаб чиқишни талаб қилади ва шунинг учун бу тизимли муаммо кўшимча илмий изланишларни олиб болишни талаб қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг № 108/2013 ИТДД - БМБФ M/Uz-GER «Ўзбекистондаги глобал ўзгаришлар шароитида ерни барқарор бошқариш учун билимларни умумлаштириш» мавзусидаги (2014-2015 йй.) Ўзбекистон - Германия халқаро лойихаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ГАТ технологиялари орқали табиий ресурсларнинг хатлов услубларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

масофадан зондлашнинг оптик ва радиолокацион (радар) сунъий йўлдошлар маълумотларидан фойдаланган ҳолда экин майдонларини хатлов қилиш услубини такомиллаштириш;

сунъий йўлдош тасвирлари асосида ўрмонзорларни хариталаш услубини мақбуллаштириш;

илмий тадқиқотда ишлаб чиқилган хатлов усуллари ёрдамида табиий ресурсларни мониторинги орқали хатлов ҳолатини валидациялаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент вилояти Ўртачирчик туманидаги «Соф оқ олтин» сувдан истеъмолчилар уюшмасининг экин майдонлари ва Тошкент вилояти Пскент тумани Тошкент ўрмон хўжалигига қарашли «Ангрен» ўрмончилигининг ўрмонзорларнинг фазовий дарахт қоплами олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда экин майдонлари ва ўрмонзорларини таснифлаш усули ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида курфокчил минтақалар майдонларида хатловни ўрганишда дала тажрибаларини ўтказишнинг мавжуд услубиятлари ҳамда фазовий тасвирни қайта ишлашнинг ишончли аналитик ва математик статистика усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилigi** қуйидагилардан иборат:

қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ерлари хатлови хатоликларини баҳолаш масофадан зондлашнинг радар маълумотлари ёрдамида ишлаб чиқилган;

табиий ресурсларни таснифлаш усули VН кутблашни бошқа кутблашлар билан комбинациялашган шароитда Сентинел-1 радар тасвирлар асосида такомиллаштирилган;

қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ерларини таснифлашнинг комбинациялашган усули спектрал корреляция ва NDVI вегетация индекси асосида ўсимликлар қоплами ўзгариши динамикасини инобатга олиб такомиллаштирилган;

сунъий йўлдош тасвирларини таснифлашнинг замонавий усулларини курфокчил минтақалар шароитида қўллаш самарадорлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

ГАТ орқали қишлоқ хўжалиги ва ўрмон майдонларини хатлов қилиш имкониятлари асосланган;

NDVI вегетация индекси профилини таҳлил қилиш ва спектрал корреляция усулини қўллаш орқали табиий ресурсларни таснифлашнинг бирлаштирилган, комбинациялашган усули яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиligи** назарий ишланмаларнинг олинган қийматларга мувофиқлиги, таққослашда ҳисобланган қийматларнинг дала тажрибалари қийматларига яқинлиги, шунингдек, таклиф қилинган ишланмалар учун ЭХМ дастурини расмий тасдиқлаш орқали гувоҳномалар олиш ва тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти аналоглар натижаларининг дастлабки шароитларга боғлиқлик даражасини пасайиши ва кластерлаш аниқлигининг

ошиши билан фарқ қиладиган масофадан зондлаш маълумотларини кластерлаш алгоритмини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган усуллар ва алгоритмларни дастурий таъминот шаклида амалга ошириш, дастур масофадан зондлаш маълумотларини кластерлаш ва алоҳида спектрал каналларнинг дастлабки таҳлилларини ўтказиш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда табиий ресурсларни хатлаш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ерлари хатлови хатоликларини баҳолашнинг матрица усули Тошкент ўрмон хўжалигида ўрмон ерларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш учун жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 21 декабридаги 02-02/8-3305 сон маълумотномаси). Натижада, ўрмон қоплами ҳажмини вақт ва масофада сунъий йўлдош тасвирлари орқали кузатиш имконияти яратилган;

VН кутблашни бошқа кутблашлар билан комбинациялашган шароитда Сентинел-1 радар тасвирлар асосида такомиллаштирилган табиий ресурсларни таснифлаш усули Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тасарруфидаги Тошкент вилояти экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармасида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 21 декабридаги 02-02/8-3305 сон маълумотномаси). Натижада, турли хил кутбланишлардаги радиометрик тасвирлар ёрдамида табиий ресурсларнинг мониторингини оптималлаштириш имконияти яратилган;

спектрал корреляция ва NDVI вегетация индекси асосида такомиллаштирилган қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ерларини таснифлашнинг комбинациялашган усули Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги илмий-ўқув маркази давлат унитар корхонасига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 21 декабридаги 02-02/8-3305 сон маълумотномаси). Натижада сунъий йўлдош тасвирлари орқали қишлоқ хўжалиги экинларини (пахта, шоли, ғалла) самарали хатлаш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари халқаро, республика анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган, жумладан 2 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган ва 3 та ЭҲМ дастури учун гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва қисқартмалар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118-бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларини ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва ишончлиги баён қилинган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари кенг очиб берилиб, тадқиқот натижаларини жорий қилинганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**Биринчи бобда** сунъий йўлдош тасвирларни таснифлашнинг асосий, энг оммабоп мавжуд усулларини тизимлаштирилган, шунингдек, энг юқори аниқликка эга бўлган таснифлаш алгоритмларини таҳлил натижалари келтирилган. Адабиётлар таҳлили асосида сунъий йўлдош тасвирларини пиксел бўйича таснифлаш усуллари бирлаштирилиб, блок-схемада тизимлаштирилди. Шу билан бирга, назорат қилинадиган ва назоратсиз (бошқариладиган ва бошқарилмайдиган) функционалланган иккита энг характерли гуруҳ ажратиб олинди.

Бундан ташқари ушбу бобда масофадан зондлаш тизимлари келтириб ўтилган. Улардан, фазовий сунъий йўлдошларни тасвирлаш мосламалари, параметрлари, улардан фойдаланишнинг спектрал, фазовий ва вақт каби масштаби тасвирланган. Ландсат сунъий йўлдошининг характеристикалари берилган. Масофадан зондлашнинг қайта кодлаш тизимларини шакллантиришнинг асосий принциплари келтирилган. Ер юзидаги объектларнинг хусусиятларини таснифлаш учун ишлатиладиган энг кенг тарқалган воситалар ва дастурлар таърифланган. Қуруқ экотизимлар динамикасини ўрганишнинг турли муаммоларини ҳал қилишга имкон берадиган фазовий маълумотларни олишнинг замонавий тизимлари кўриб чиқилган.

**Иккинчи бобда** масофадан зондлашнинг оптик ва радар маълумотлари ёрдамида экин майдонларини хатлаш ишлари олиб борилган. Энг кенг тарқалган учта таснифлаш усулини NDVI профил билан биргаликда қўллаш Тошкент вилоятининг Ўртачирчиқ туманида жойлашган «Соф оқ олтин» сув истеъмолчилар уюшмаси (СИУ) ҳудудида амалга оширилган. Ушбу сув истеъмолчилар уюшмаси 1756 гектар майдонни ўз ичига олади ва 2 дан 54 гектаргача бўлган участкалари бўлган 16 та фермер хўжалиги ва 4 та дехқон хўжаликларидан иборат.

Ландсат 8 OLI сунъий йўлдошининг тасвирлари АҚШ Геология хизмати (<http://earthexplorer.usgs.gov/>) очик маълумотлар базасидан олинган. Умумий ҳисобда 9 та фазовий тасвир юкланган, улардан атмосфера энг кам таъсир ўтказган, аммо шу билан бирга, ўсимликларнинг ўсишининг энг фаол

даври ҳисобланган 2017-йил учун апрелдан сентябргача вақт оралиғида тасвирга туширилган фазовий тасвирлар танлаб олинган. Дастлабки босқичда тасвирларнинг ҳар бири учун растр қатламлар формати (tif) ўзгартирилиб, ERDAS Imagine (img) форматидаги кўп тармоқли тасвирга ўтказилди, шунингдек ArcGIS (mxd) форматига бирлаштирилди. Кейинчалик, олинган кўп каналли тасвирлардан бир қисми танланди, шу жумладан танланган тадқиқот объектининг худуди қирқиб олинди, атмосфера таъсири ва радиометрик тузатишлар амалга оширилди. Ўрганилаётган худуднинг баландликлари оралиғини аниқлаш учун ASTER рақамли рельеф моделлари (PPM) ишлатилган. Аниқланишича, ўрганилаётган худуд учун ер баландликларининг қийматлари денгиз сатҳидан 320 дан 497 м гача ораликда ўзгариб туради. Шундай қилиб, қуйида тавсия этилган модель ўрганилиб, кичик қияликлар ва баландликларга эга бўлган ушбу турдаги худудларга татбиқ этилди. Кейинчалик, нормализация қилинган NDVI фарқининг вегетация кўрсаткичи ҳисоблаб чиқилди ва қатламлар бирлаштирилиб, битта тасвир ҳолатига келтирилди.

Амалдаги таснифлаш усулларида мақбуллари танлаб олиш учун амалга оширилган адабиётлар таҳлили натижасида учта асосий таснифлаш усули танлаб олинди. Булар: максимал ўхшашлик усули; ИЗОДАТА усули; ва спектрал корреляция усулидир.

Шуни таъкидлаш керакки, спектрал корреляция усули асосан гиперспектрал тасвирлар бўйича таснифлаш ва худуддаги минералларни ўрганиш учун ишлатилади. Бироқ, ушбу тадқиқотда ушбу усулни табиий ресурсларни таснифлаш учун NDVI вақт профилларини таҳлил қилиш билан биргаликда қўллаш таклиф этилади.

Спектрал корреляция усули тасвир спектрини ўрганилаётган худуд майдонларининг индивидуал спектрлари билан таққослайди. Алгоритм спектрлар орасидаги ўхшашликни аниқлайди, уларнинг ўлчамлари спектрал чизиқлар сонига (n) тенг бўлган фазовий вектор сифатида ишлов бериш пайтида улар орасидаги «бурилиш бурчаги» ни ҳисоблаб чиқади. Ушбу усулда спектрал чизиқларнинг узунлиги эмас, балки фақат «спектрал векторлар» йўналиши ишлатилганлиги сабабли, спектрал бурчак усули ўхшаш спектрал эгри чизиқли, лекин интенсивлиги жиҳатидан фарқ қиладиган жисмларни ажрата олмайди (Osmar de Carvalho, 2000) (1-формула).

$$R = \frac{\sum(x-\bar{x})*(y-\bar{y})}{\sqrt{\sum(x-\bar{x})^2 \sum(y-\bar{y})^2}} \quad (1)$$


бу ерда: X – тасвир спектри,

Y – намуна сифатида олинган майдоннинг спектри,

R – тасвир спектри ва намуна сифатида олинган майдоннинг спектри ўртасида ҳосил бўлган бурчак косинуси (cos).

Тадқиқот объектида мавжуд бўлган ердан фойдаланишнинг асосий синфлари сифатида қуйидагилар: пахтазорлар, буғдойзорлар, шолиторлар, аҳоли яшаш пунктлари, боғлар ва томорқалар аниқланди. Синфларнинг ҳар бири учун нарзат қилинган таснифлаш давомида 9 та NDVI қатламини ўз

ичига олган кўп каналли тасвирнинг вақт сериясининг натижавий тасвирида 20 дан ортиқ намуналари тўпланди. Йўналтирувчи спектрал эгри чизиклар 1-расмда келтирилган.




### 1-расм. Қишлоқ хўжалиги ҳудудларидаги ўрганилаётган майдонларининг спектрал эгри чизиклари

Чекланган ҳажмдаги танланган намуналар тўлиқ шаклда эмас; булардан, хатосиз таснифлашни ўтказиш учун керакли миқдордаги элементларни ўз ичига олмайди, ҳамда барча синфларнинг характеристика намунасини олганда якуний графикда бир текисда ва бир-бири билан кесишмаслиги лозим. Ушбу график фазовий тасвирнинг спектрал ойнасида аниқ кўринади.

Ўрганилаётган ҳудудларнинг майдони Ландсат сунъий йўлдошининг икки хил айланиш орбитаси кесишган нуқтада жаҳон кординаталар тизимининг (WRS-2) 154-устундаги 31 ва 32-қаторларига биноан олинган бўлиб, бу тўғридан-тўғри иккита бир хил фазовий тасвирдан фойдаланишга имкон берди ва тақдим этилган маълумотлардан таҳлил қилиш учун энг мақбули танлади.

Сунъий йўлдош тасвирларини таснифлаш жараёни нуқталарни (пикселларни) тасвир сегментлари ёки синфларга таҳлил қилиш ва гуруҳлаш орқали амалга оширилди. Тасвирни пикселлар бўйича гуруҳлаш жараёнининг натижаси сифатида таснифланган фазовий тасвирни кўриш мумкин. Таснифлаш жараёни ERDAS Imagine дастурининг сунъий йўлдош тасвирларини қайта ишлаш дастурий таъминотининг ойнасида амалга оширилди ва натижада ўсимликларнинг растр қатлами ва тупроқ қоплами синфлари олинган. Таснифлаш усуллариининг натижалари 2-расмда келтирилган.



**2-расм. Ҳосил қилинган таснифланган хариталар фрагментлари**

Ҳар бир таснифлаш усули учун таснифлаш аниқлигини баҳолаш амалга оширилди, бунинг учун тадқиқот объектидан 105 та ер устки нуқталар тўпланди. Дала экспериментлари давомида, шунингдек Google Earth тасвирларини талқин қилиш ёрдамида маълумотлар ва таснифлаш натижалари ўртасида ҳақиқий боғлиқлиги ўрганилди. Шуларга асосан, хатолик матрицалари тузилди. Олинган маълумотларнинг статистик таҳлили ушбу тадқиқотда ўрганилган усулларнинг энг қониқарлисининг натижаларини, яъни спектрал корреляция усули бўйича NDVI профилини таҳлил қилиш асосида таснифлашни кўрсатди. Спектрал корреляция усули учун умумий таснифлаш аниқлигининг максимал олинган қиймати 89% ни ташкил этди, бу максимал ўхшашлик усулининг умумий аниқлигидан 13% га кўпроқ ва ИЗОДАТА усулининг аниқлигидан 11%дан юқори. Таққосланган хариталарнинг умумий аниқлиги мос равишда 89%, 76% ва 78% эди. 0.7023, 0.7261 ва 0.7380 қийматларини ташкил этган умумий Каппа статистикаси ўрганилаётган маълумотларнинг сезиларли даражада бир хиллигини кўрсатди.

Ландсатнинг оптик диапазонларида тасвирнинг фазовий ўлчамлари 30 дан 30 метргача бўлганлиги сабабли, майдонлар орасидаги чегараларни таснифлаш жараёнида тизимли муаммога дуч келинди, шу сабабли 2017-йил NDVI профилининг бирлашиши 2017-йилнинг 8-августдан Сентинел-2 тасвирига тўғри келди. Қатламлар юқори фазовий масштабдаги қайта ҳисоблаб чиқилган ва охирида 10 та қатлам 2017-йил учун таҳлил қилинган.

Охирги босқичда Сентинел-1А радар тасвиридан 2017-йил 27-июндан бошлаб VV ва VH қутбланишлари таққосланди. Ушбу қутбланишларни олиб ташлаш натижаси сифатида уларнинг йиғиндисига бўлинди ва натижа кейинги босқичларда таҳлил қилинди.

Радар сунъий йўлдоши NDVI қатламини ва унинг талқинидаги мавжуд тизимли хатоликларни тузатгандан сўнг, экинларни таснифлаш фақат иккиланган поляризацияга эга бўлган маълумотларга асосланиб амалга ошириш мумкинлиги аниқланди. Шу билан бирга, VV + VH иккиланган поляризацияси аниқроқ визуал натижаларни олиш имконини беради ва VH

нинг поляризацияси вегетация даврининг дастлабки босқичларида NDVI ни моделлаштириш учун қисман мос келади.

SCM томонидан бошқариладиган NDVI профилларининг таснифини қўллаш ва Сентинел нинг оптик ва радар маълумотларини бирлаштириш, ҳамда таққослаш орқали натижани яхшилаш жараёни 2017-йил учун таснифнинг умумий аниқлиги **89% дан 93%** гача яхшиланганлиги аниқланди (1-жадвал).

**1-жадвал.**

**Тадқиқотда ўрганилган таснифлаш усуллариининг хатолик матрицаси**

SCM+NDVI	Таснифлар						и/ч аниқлик даражаси
Ҳақиқий ер маълумотлари	Пахтазор	Бугдойзор	Шолизор	Боғлар	Аҳоли пункти	Нукталар сони	
Пахтазор	19		1	1		21	0,90
Бугдойзор		20			1	21	0,95
Шолизор	2		18	1		21	0,86
Боғлар	1	1		17	2	21	0,81
Аҳоли пункти			1	1	19	21	0,90
Нукталар сони	22	21	20	20	22	105	
Фойдаланувчининг аниқлик даражаси	0,86	0,95	0,90	0,85	0,86		0,89

Такомиллаштирилган усул	Таснифлар						и/ч аниқлик даражаси
Ҳақиқий ер маълумотлари	Пахтазор	Бугдойзор	Шолизор	Боғлар	Аҳоли пункти	Нукталар сони	
Пахтазор	20			1		21	0,95
Бугдойзор		20			1	21	0,95
Шолизор	1		19	1		21	0,90
Боғлар	1			19	1	21	0,90
Аҳоли пункти				1	20	21	0,95
Нукталар сони	22	20	19	22	22	105	
Фойдаланувчининг аниқлик даражаси	0,91	1,00	1,00	0,86	0,91		<b>0,93</b>

Қишлоқ хўжалиги экинлари учун хатоликлар матрицасида ишлаб чиқарувчининг аниқлиги ўртача 3% га ва фойдаланувчининг аниқлиги 6.7% га ошиши кузатилди. Шу билан бирга, фойдаланувчи ва ишлаб чиқарувчининг аниқлиги «аҳоли яшаш пункти» таснифи учун сезиларли даражада яхшиланди (5% га), шунингдек «боғлар» таснифи учун ишлаб чиқарувчининг аниқлиги 9% га яхшиланди. Боғлар таснифи учун фойдаланувчининг аниқлигида сезиларли яхшиланишга эришилмади, чунки бу тасниф учун спектрал профилнинг бошқа экин турлари таснифига ўхшашлиги сабаб бўлди.

Каппа коэффиценти спектрал корреляция усули учун 0.7380 ни ташкил этди, бу усул Сентинел сунъий йўлдош тасвирлари билан бирлаштирилганда у 0.9167 га етди ва бу дала тадқиқотлари билан олиб борилган таснифга мувофиқликнинг юқори даражадаги ишончлилигини кўрсатади.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг балл бонитетлари ва унинг қишлоқ хўжалиги экинлари, хусусан, буғдой ҳосилдорлиги билан боғлиқлигини самарали ва ўз вақтида таҳлил қилиш учун тупроқ балл бонитетлари ва NDVI индекслари ўртасидаги боғлиқликлар таҳлил қилинди.

Тупроқларнинг балл бонитетини баҳолашда тупроқларнинг асосий хусусиятлари, шунингдек, тупроқларнинг генетик ўзига хослиги, механик таркиби, суғориш давомийлиги, шўрланиш даражаси, эрозия бардошлиги, тошлилиги, гипслиги, иссиқлик ресурслари билан таъминланиши, тупроқни ўсимлик қатламининг ўсишига ва экинларнинг пишиб этиш даражасига таъсири ва бошқа табиий омиллар ҳисобга олинади. Тупроқ бонитетини баҳолаш жараёнига қўшимча равишда, балл бонитетини баҳолаш натижаларни визуаллаштиришни яхшилаш учун ушбу илмий тадқиқотда Нормаллаштирилган қиёсий вегетация индекси (NDVI) асос қилиб олинди ва тупроқ бонитетини баҳолаш билан ушбу кўрсаткич ўртасидаги боғлиқлик аниқланди.

2014-йилдаги таснифланган фазовий тасвирда буғдой далалари кўрсатилган ва ERDAS Imagine дастури ёрдамида тўрт хил бонитет қийматларини ташкил этган ушбу майдонлар кесиб олинган. Кейинги босқичда эса, батафсилроқ ва аниқроқ таҳлил қилиш учун 2014 йилнинг 22-апрелда олинган фазовий тасвирлар ишлатилган. ArcGIS дастурида «Жадвал кўринишидаги статистика» (Statistics as a table) функциясида фойдаланиб, натижалар кўйидаги 2-жадвалда умумлаштирилди. Мақсад қилинган вегетация индекси ва тупроқ балл бонитети ўртасидаги боғлиқликни баҳолаш ижобий натижаларни берди. Бонитет баллининг ортиши билан ўртача NDVI қиймати бир вақтнинг ўзида ошди. Бунда, тупроқ балл бонитети 40 бўлса NDVI нинг ўртача қиймати 0.33 га ва 70 бўлган тақдирда 0.48 га тенг бўлди.

**2-жадвал.**

**Тупроқ балл бонитетига кўра NDVIнинг қийматлари**

Қиймат	Майдон	Минимум	Максимум	Интервал	Ўртача	STD
40	54000	0.260042	0.400611	0.140569	0.331636	0.036556
50	78300	0.342863	0.528064	0.185201	0.427544	0.047638
60	45000	0.373738	0.474082	0.100344	0.432243	0.02447
70	36900	0.441026	0.516309	0.075283	0.484055	0.020248

Шундай қилиб, ўсимликларнинг спектрал тарзда акс эттириш жараёнига асосланган NDVI вегетация индекси орқали яратилган харита тупроқнинг сифати, ҳамда унинг мелиоратив ҳолати билан чамбарчас боғлиқ деган хулосага келинди ва бу, хусусан, турли хил тупроқ балл бонитети қийматларида ифодаланиши мумкин бўлади. Бундан ташқари корреляция коэффициенти 0.97 ни,  $R^2$  эса 0.94 ни ташкил этди. Бонитет синфининг кўпайиши билан бошқа нарсаларни тенг деб ҳисобласак, ўсимлик ҳолати ва ривожланиши билан тавсифланадиган вегетация индексининг қиймати мутаносиб равишда ошади.

**Учинчи бобда** ушбу илмий тадқиқотда ўрганилаётган услубларга мувофиқ ўрмон қопламининг таҳлили келтирилган.


Ўзбекистон ўрмонлари табиий тузилиши ва таркиби, унумдорлиги ва вазифалари билан сезиларли даражада фарқ қилади. Республикада замонавий ўрмон хатловини юритиш тизими ўрмон ресурсларини даврий хатлаш натижасида олинган маълумотларга ва ўрмон хўжалигида ва унинг тармоқларида олиб бориладиган ўрмон фондидаги ўзгаришларни ҳисобга олиш материаллари асосида маълумотларни тузатишга асосланган. Ўзбекистонда ўрмонни бошқаришнинг асосий усули бу ўлчов ва солиқ солиш элементларига асосланган визуал санаб чиқиш усулидир.

Шу билан бирга, географик ахборот тизимлари айни пайтда масофадан зондаш техникаларининг органик ва ажралмас қисми сифатида ўрмон хўжалиги, ўрмонни бошқариш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ўрмон комплекси хатловининг энг муҳим қисмига айланиб бормоқда.

Ландсат сунъий йўлдошларидан олинган тасвирлардан фойдаланиш юқори аниқлик даражасида ва кенг майдонларда ўрмон қопламани баҳолаш учун мумкин бўлган ёндашувлардан бири ҳисобланади. Ушбу илмий ишда тадқиқотлар Тошкент вилоятининг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Пскент тумани ҳудудида «Ангрен» ўрмон хўжалигининг 2615 гектар майдонида, яъни минтақадаги энг йирик ўрмон хўжалигида олиб борилди.

Ландсат ТМ маълумотларини олдиндан қайта ишлаш жараёни уларнинг геокординатасини ва ўзаро радиометрик нормаллаштиришни ўз ичига олади ва тематик ишлов бериш босқичида сарфланадиган вақтни қисқартириш мақсадида сунъий йўлдош тасвирлари тўпламини тадқиқот объектига кўшимча равишда таснифлаш имкониятини таъминлашга қаратилган. Тасвирлар АҚШ нинг Геологик тадқиқотлар марказининг расмий веб-саҳифада (<http://earthexplorer.usgs.gov/>) онлайн равишда бепул олиниб, 1:10000 масштабдаги ҳудуднинг рақамли харитаси билан таққосланди ва ўрмон хўжалиги ҳудуди ажратиб олинди ва таҳлил қилинди. ERDAS Imagine дастуридаги энг қоронғи пиксел усулидан фойдаланган ҳолда атмосферик тузатишлар бажарилди.

NDVI вақт профилини таҳлил қилишда фойдаланилган ўрганилаётган таснифлаш усули натижаси бўлган спектрал корреляция усули ёрдамида ушбу тадқиқот объекти учун ердан фойдаланиш хариталари яратилинган (3-расм).



**3-расм. Майдонларнинг спектрал эгри чизиклари**

Таснифлаш жараёнида бешта асосий таснифлар - сув, очик тупроқ, кишлок хўжалиги ерлари, қуюқ ўрмон ва ўрмонзорлар аниқланди. Ўрганиш учун наъмуналар сифатида ҳар бир тасниф учун олинган 10 та турли худудларда жойлашган ерлар танланди. Табақалаштирилган тасодифий наъмуна олиш учун Кохран (Cochran, 1977) наъмуна ҳажмини аниқлаш учун қуйидаги формулани (2-формула) тавсия қилган:

$$n = \frac{(\sum_{i=1}^N W_i S_i)^2}{(S(O))^2 + \frac{1}{N} \sum_{i=1}^N W_i S_i^2} = \left( \frac{\sum_{i=1}^N W_i S_i}{S(O)} \right)^2 \quad (2)$$

бу ерда  $n$  – растр тасвирдаги элементар бирликлар (пикселлар) сони;

$S(O)$  - тахмин қилинадиган умумий аниқлик учун стандарт хато;

$W_i$  – умумий майдондан  $i$ -таснифининг улуши;

$S_i$  -  $i$ -таснифининг стандарт оғиши ва бу қиймат қуйидаги формула бўйича аниқланади  $S_i = \sqrt{U_i(1-U_i)}$ .

$N$ , қоидага асосан, жуда катта сон (растр катталигига қараб) бўлганлиги сабабли, 2-формуланинг махражидаги иккинчи ҳадга эътибор бермаслик мумкин.

Юқоридаги формулага мувофиқ, 3-жадвалда келтирилган коэффициентлар ҳисоблаб чиқилди ва нуқталар сони аниқланди. Умумий ҳисобда улар 45 та ни ташкил этди, аммо аниқроқ текшириш натижасини олиш учун бу рақам яхлитланди ва текшириш учун 50 та тасодифий нуқталар танланди.

**3-жадвал.**

**Тажриба нуқталарини аниқлаш учун қўшимча жадвал**

Тасниф	Таъриф	N	W	U	SQR(U(1-U))
Қуюқ ўрмон	Поя ва шоналари зичлиги 50% дан ва баландлиги 2 м дан юқори бўлган дарахтлар ва буталар	471	0,1346	0,9	0,30
Ўрмонзор	Поя ва шоналари зичлиги 50% дан кичик бўлган дарахтлар ва буталар	1306	0,3734	0,95	0,22

Очиқ туپроқ	Очиқ кўринадиган тошли, шағалли, кумли, лойли ёки бошқа яшил ўсимликларга эга бўлган ёки умуман бўлмаган лойли жисмлар билан ажралиб турадиган ҳудудлар	961	0,2747	0,7	0,46
Қишлоқ хўжалиги ерлари	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ишлатиладиган ерлар	710	0,203	0,8	0,40
Сув	сув ҳавзалари, сув ташламалари ва дарёлар каби сувли тармоқ	50	0,0143	0,6	0,49
		3498			

Умумий таснифлашнинг аниқлиги 86% ни ташкил этди. Юқори фазовий масштабга эга бўлган маълумотлар билан ушбу натижа бирлаштирилганда эса аниқлик фоизини 90% гача ошириш имкониятини берар эди.

**Тўртинчи бобда** ўрганилаётган таснифлаш услубларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги ва ўрмон майдонларининг мониторинги келтирилган.

Тошкент вилоятида ердан фойдаланишдаги ўзгаришларни кузатиш учун олтига вақт қатлами (1994, 1999, 2004, 2009, 2014, 2017) оралиғидаги сунъий йўлдош тасвирлари танланди. Бироқ, Ландсат ЕТМ+ 7 даги сканерлашнинг натижаларидаги хатолик чизиғи билан боғлиқ муаммолар туфайли 2004-йил давомида ЕТМ + маълумотлари фойдаланишга яроқсиз бўлган ва шунинг учун улар кейинги таҳлил учун танланмаган ва 2002-йилнинг тасвирларга алмаштирилган.

Умумий 43та Ландсат тасвирлари (4-жадвал) АТСОР модули томонидан ERDAS дастурида атмосфера туманларини камайтириш, атмосфера чанглари ва радиометрик тузатиш учун олдиндан қайта ишланган. Олинган фазовий маълумотлар сунъий шовқин таъсирини камайтириш ва маълумотларнинг сифатини спектрал ва фазовий жиҳатдан яхшилаш учун юқори тебранишдаги фильтр ва медиан фильтр каби турли хил филтрлар билан қайта ишлаш жараёнида яхшиланди (Lillesand T, 2015).

#### 4-жадвал.


#### Фойдаланилган Ландсат тасвирлари ҳақида ўлик маълумотлар

	1994	1999	2002	2009	2014	2017
Март			LT7 Март 28			
Апрель		LT5 Апрель 13		LT5 Апрель 8 LT5 Апрель 24	LT8 Апрель 6 LT8 Апрель 22	LT8 Апрель 14 LT8 Апрель 30
Май	LT5 Май 1 LT5 Май 17			LT5 Май 26	LT8 Май 24	LT8 Май 16
Июнь	LT5 Июнь 2		LT7 Июнь 16	LT5 Июнь 11 LT5 Июнь 27	LT8 Июнь 25	LT8 Июнь 1
Июль	LT5 Июль 4 LT5 Июль 20	LT7 Июль 10	LT7 Июль 2 LT7 Июль 18	LT5 Июль 29	LT8 Июль 27	LT8 Июль 3 LT8 Июль 19
Август	LT5 Август 21	LT5 Август 19 LT7 Август 27			LT8 Август 12 LT8 Август 28	LT8 Август 12
Сентябрь	LT5 Сентябрь 6		LT7 Сентябрь 20		LT8 Сентябрь 29	LT8 Сентябрь 16 LT8 Сентябрь 21
Октябрь	LT5 Октябрь 8		LT7 Октябрь 22	LT5 Октябрь 17		
Ноябрь				LT5 Ноябрь 18		

NDVI тасвирлари ҳар бир сунъий йўлдошнинг NIR ва RED қатламлари ёрдамида яратилган. Бир вегетация даври учун олинган NDVI тасвирлари устма-уст қўйилиб намойиш этилди. Спектрал корреляциялаш усули (SCM) га асосланган таснифлаш салбий корреляция қилинган рақамларни таниб олишга имкон беради ва атмосфера таъсирини йўқ қилиш учун яхши натижалар беради (de Carvalho Júnior, 2000). Репрезентатив спектрлар учун таснифлаш усулларининг бу таснифи спектрал тасвирни қиёсий спектри (якуний аъзолар ёки спектрал иловалар) билан солиштиришга асосланган.

Дала ишлари пайтида олинган ҳудуд ҳақидаги маълумотларга қараб, илмий тадқиқот ўтказилган майдонлари ЭХМ да рақамлаштирилди ва бутун тадқиқот объекти ҳудуди бўйлаб бўлинди. Ҳар бир тасниф учун визуал кўргазма сифатида танланган майдонлардаги пикселлар спектрал бўшлиққа жойлаштирилди ва барча таснифларни камида битта чизиқда ажратиб олишни таъминлаш учун визуал текширув ўтказилди.

Ишончлилик даражасига эга бўлган умумий аниқлик қийматини аниқлаш учун ҳар ойда камида битта тасвир керак бўлар эди ва шунинг учун 2009-йилдаги энг паст натижани (83%) август ва сентябрь ойлари орасидаги сунъий йўлдош тасвирларининг етишмаслиги билан боғлаш мумкин (4-расм).




**4-расм. Статистик (қизил) ва таснифланган (кўк) маълумотларни таққослаш графиги, гектарда**

Пахта далалари ҳудудларини таққослаш фақат 1994-йилдан 2017-йилгача бўлган даврда баҳоланган. Вилоят миқёсида олинган натижалар шунини кўрсатадики, пахта майдонлари масофадан зондлаш маълумотларига кўра 3787 гектарга ва статистик маълумотларга кўра 3954 гектарга камайганлигини кузатиш мумкин. Масофадан зондлаш маълумотлари ва статистик маълумотлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик кўрсаткичи 0.99 ни ташкил этди.

Ўрмон билан қопланган майдоннинг динамикасини мониторинг қилиш натижасига кўра 2002-йилгача кескин пасайиш (22% га) ва ундан кейинг йиллада эса сезиларли ўсиш (59% га) кузатилди. Таъкидлаш жоизки, ўрмон хўжалигини ташкил этиш ва ривожлантириш лойиҳасига мувофиқ «Ангрен»

ерлари 11, 12 ва 13-кварталлар учун 1993-йилда 114 га, 2012-йилда 141,4 га ва 2017-йилда 140,1 га ташкил этди ва бу натижаларга мос келади (5-расм).



**5-расм. «Ангрен» ўрмон хўжалиги ҳудудидаги ўрмон қопламининг ўзгариши динамикаси**

Юқорида келтирилган гистограмма 2002-йилгача бўлган даврда ўрмон майдонлари ўзгаришининг салбий динамикасини кўрсатиб берди, аммо шуни таъкидлаш жоизки, сўнгги пайтларда ижобий ўзгаришларни айтиш вақтда кўриш мумкин. 1994-йилдан 2011-йилгача бўлган даврда «Ангрен» ўрмон хўжалигининг ўрмон майдонлари камайди. Қишлоқ хўжалиги ерларига айлантирилаётган тошқинлардан ҳимояловчи ўрмонлар асосан антропоген босимга дуч келди. Чўл ва тоғли зоналарда ўрмонларни етиштириш самарадорлигининг пастлиги, табиий равишда қайта тикланиш учун зарарли бўлган чорва молларининг ҳаддан зиёд кўпайиши ўсимликлар деградациясига, ўрмонзорлар майдонининг босқичма-босқич қисқаришига, ўрмонларнинг экотизимни ҳимоя қилувчи характерининг пасайишига, ҳудуднинг чўлланишига ва пировардида Марказий Осиё минтақасининг сув ресурсларининг пасайишига олиб келади. Шу нуқтаи назардан, ўрмонларнинг табиий янгилиниш жараёнини ўрганиш, ўрмон майдонининг ўсиши бўлмаса-да, ҳеч бўлмаганда унинг барқарорлашишини таъминлайдиган тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш ҳозирда жуда муҳимдир.

## ХУЛОСАЛАР

1. ГАТ технологияларидан фойдаланган ҳолда турли ҳил таснифлаш усуллари асосланган тематик хариталарни хатлашнинг энг кенг фойдаланиладиган халқаро усуллари амалда қўлланилинди. Тадқиқот майдонида эса энг юқори самарадорликни кўрсатадиган таснифлаш усуллари гуруҳлари аниқланди. Мультиспектрал маълумотларни қайта таҳлил қилиш учун қўлланиладиган алгоритмлар ва усуллар, жумладан, ИЗОДАТА алгоритми ва максимал ўхшашлик усули таснифлаш

хариталарининг умумий аниқлик даражасини етарли даражада таъминлай олмаслиги (78% дан кам) аниқланди;

2. Таснифлаш параметрларини такомиллаштиришда чизиқли ва чизиқли бўлмаган филтрларни қўллаш аҳамияти ўрганилди. Бунда медиан филтри энг яхши натижани кўрсатди ва тасниф параметрларини яхшилаш учун улардан сунъий йўлдош тасвирларига дастлабки ишлов бериш олдидан фойдаланиш тавсия этилади;

3. Спектрал корреляция таснифи усули ва вақтлараро NDVI вегетация индексининг биргаликдаги комбинациясидан фойдаланиб, таснифлаш усулларини такомиллашган услуги ишлаб чиқилди. Бунда Ландсат сунъий йўлдош тасвирларини умумий таснифлаш аниқлигини 89% гача ошириш имкониятини беради;

4. Қишлоқ хўжалиги экинларини таснифлаш сифати Ландсат ва фазовий масштаби юқори бўлган Сентинел-2 сунъий йўлдош тасвирларини бирлаштириш натижасида оширилди ва ва таснифлаш аниқлик даражасининг умумий фоизи 93% гача кўтарилди;

5. Тупроқ сифати ва ҳолатини кўрсатувчи балл бонитет синфлари билан ўсимликларнинг ривожланиши орасидаги ўзаро боғлиқлик даражаси ўрганилди. Кузги буғдойнинг Ландсат 7 ETM + сунъий йўлдош тасвирларида ҳисобланган NDVI қийматлари билан тупроқ балл бонитет қийматлари орасидаги боғлиқлик коэффициенти  $r = 0.97$  ни ташкил этди;

6. 2 та NDVI қатламларидан олинган ўрмон қопламининг синтезлашган тасвирининг таснифлаш аниқлиги 65% ни ташкил қилди. 3 та турли вақтларда олинган тасвирни таснифлаш жараёнининг ишончлилиқ даражасини 73-74% гача оширилди. 4-5 та тасвир учун таснифнинг умумий аниқлиги 80%, 6-7 та тасвир учун 84% гача ва 9 та тасвирлар - 86% гача оширилди;

7. Сентинел-2 нинг юқори ўлчамдаги оптик тасвирлари Ландсат тасвирлари таснифи билан солиштирилганда ўрмон қопламини таснифлаш аниқлиги 90% гача оширишга имкон яратди;

8. Сентинел-1А радар тасвирларидан фойдаланиш қишлоқ хўжалиги экинларини иккиланган қутбланишга эга маълумотлар асосида таснифлаш мумкин деган хулосага келишга имкон бериши аниқланди. Бундай ҳолда, VV + VH иккиланган қутбланиши аниқроқ натижаларга эришишга имкон берди. VH қутбланиши қишлоқ хўжалиги экинларининг вегетация даврининг дастлабки босқичларида NDVI ни моделлаштириш учун бир мунча мос келади, аммо Ўзбекистоннинг ўрмон қопламига етарлича мос келмайди;

9. «Ангрен» ўрмон хўжалигида ўрмон қопламинининг мониторинги 1994-2002-йилларда ўрмон қопламининг 22% га камайдганини, ҳамда 2002-2017-йиллар оралиғида 59% га ўсганлиги кузатилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ  
DSc.03.30.12.2019.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ  
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И  
МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**ГЕРЦ ЖАСМИНА ВИКТОРОВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ИНВЕНТАРИЗАЦИИ  
ПРИРОДНЫХ РЕСУРСОВ ПОСРЕДСТВОМ ГИС ТЕХНОЛОГИЙ**

**11.00.05 - Охрана окружающей среды и  
рациональное использование природных ресурсов  
06.01.02 – Мелиорация и орошаемое земледелие**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент - 2021**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1.PhD/Т554**

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.tiiame.uz](http://www.tiiame.uz) ) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

**Научный руководитель:**

**Пулатов Алим Салимович**

кандидат технических наук, профессор

**Официальные оппоненты:**

**Мягков Сергей Владимирович**

доктор технических наук, профессор

**Радкевич Мария Викторовна**

доктор технических наук, доцент

**Ведущая организация**

**Национальный Университет Узбекистана  
им. Мирзо Улугбека**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании разового Научного совета при научном совете DSc.03/30.12.2019.Т.10.02 Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства по адресу: 100000, г. Ташкент, ул. Кары – Ниязий, 39. Тел / Факс: (+99871) 237-46-68, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)

С докторской диссертацией PhD можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. Адрес: 100000, г. Ташкент, ул. Кары – Ниязий, 39. Тел / Факс: (+99871) 237-19-34, e-mail: [admin@tiiame.uz](mailto:admin@tiiame.uz)

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 года.  
(протокол рассылки от \_\_\_\_\_ 2021 г.).

**Т. З. Султанов**

Председатель разового научного совета  
по присуждению ученых степеней, д.т.н, профессор

**А. А. Янгиев**

Ученый секретарь разового научного  
совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

**М. Х. Хамидов**

Председатель разового научного семинара при  
разовом научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.с.х.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Всемирная Организация Объединенных Наций (ООН) утвердила 17 целей устойчивого развития, где сохранение экосистем земельных ресурсов является одним из важных направлений. В этом отношении, содействие восстановлению и рациональному использованию наземных экосистем требует устойчивого лесопользования, борьбы с опустыниванием, обращения вспять процесса деградации земель и прекращения процесса утраты биоразнообразия. В связи с этим, во многих зарубежных странах, в том числе в Нидерландах, Германии, Канаде, США, особое внимание уделяется охране и инвентаризации природных ресурсов, совершенствованию системы управления лесным фондом, внедрению современных методов мониторинга природных ресурсов.

Особое значение в мире имеют целевые научные исследования, направленные на эффективную оценку границ земельных ресурсов и их инвентаризации. Ухудшение мелиорации земель сказывается на развитии растений в вегетационный период, приводя к снижению урожайности и качества почвы. Для оценки деградации посевных площадей необходимо разработать методы определения контуров полей и состояния развития (урожайности) различных сельскохозяйственных культур. В этой связи, использование технологий географических информационных систем (ГИС) при оценке природных ресурсов является одной из важных задач.

В настоящее время в Республике принимаются комплексные меры по предотвращению экологических проблем, наносящих ущерб окружающей среде, устойчивому управлению лесного хозяйства, модернизации и интенсивному развитию сельского хозяйства. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи, в частности «... дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов»<sup>1</sup>. В связи с этим, одной из важных задач является повсеместное внедрение интенсивных методов производства и оценки сельскохозяйственной продукции, в первую очередь современных ГИС технологий.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» № УП-5853, от 23 октября 2019 года «Об утверждении Стратегии развития сельского хозяйства Республики Узбекистан на 2020 — 2030 гг.», Постановлении Кабинета Министров от 23 августа 2016 года № 273 «Об утверждении Программы мониторинга окружающей природной среды в Республике Узбекистан на

---

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

2016-2020 годы», а также в других нормативно-правовых документах, касающихся этой деятельности.

**Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики V «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Изучению вопросов инвентаризации природных ресурсов посредством ГИС в Республике Узбекистан были посвящены научные работы таких ученых как К. Конрад, Г.Хасанханова, О. Дубовик, А.Хамзина, А. Платонов, П.Пропастин, М.Каппас, А. Абдуллаев, Э.Сафаров, Ж.Кариева, Х. Абдурахимов, Р. Ойматов, И.Абдуллаев и др.

